

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ
Кузатув кенгаши мажлисининг
2023 йил 11 октябрдаги
4-сон баённомаси билан

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”
акциядорлик жамиятининг
Корпоратив котиби тўғрисида
НИЗОМ

Тошкент – 2023 йил

Мундарижа

| | |
|---|---|
| I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР | 2 |
| II. КОРПОРАТИВ КОТИБ ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ..... | 2 |
| III. КОРПОРАТИВ КОТИБГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР | 3 |
| IV. КОРПОРАТИВ КОТИБ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ВА ОЗОД ЭТИШ | 4 |
| V. КОРПОРАТИВ КОТИБНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ.. | 4 |
| VI. КОРПОРАТИВ КОТИБНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ..... | 6 |
| VII. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ | 7 |
| VIII. КОРПОРАТИВ КОТИБНИ МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИ | 7 |
| IX. КОРПОРАТИВ КОТИБНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ..... | 8 |
| X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР | 8 |

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг
Корпоратив котиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Корпоратив котибига қўйиладиган талаблар, унинг ваколатлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Корпоратив котиб фаолиятининг асосий мақсади Жамиятда корпоратив муносабатларни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган мажлисларни ташкил этишдан иборат.

3. Корпоратив котиб ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Жамиятнинг Устави, ички норматив ҳужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

II. КОРПОРАТИВ КОТИБ ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ

4. Корпоратив котиб ўз фаолиятида Жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмаларидан мустақил ҳисобланади.

5. Корпоратив котиб томонидан ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда, шу жумладан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тадбирларини режалаштириш, ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштиришда унинг фаолиятига аралашиш тақиқланади.

6. Кузатув кенгаши Корпоратив котиб фаолиятининг мустақиллигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширади:

Корпоратив котиб тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

Корпоратив котибнинг йиллик иш режасини тасдиқлайди;

Корпоратив котиб фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яраталишини таъминлайди;

Корпоратив котибнинг йиллик иш режаси бажарилишини, унинг фаолияти мустақиллиги таъминланиши ва фаолиятида юзага келадиган муаммолар юзасидан таклиф, тавсия, маълумот ҳамда ҳисоботларни кўриб чиқади.

7. Корпоратив котиб ўз фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ёки фаолиятига ҳар қандай аралашувлар юзага келганда, бу

ҳақида Кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилади, шунингдек ўз ваколати доирасида бундай ҳолатларни баргараф этиш чораларини кўради.

III. КОРПОРАТИВ КОТИБГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

8. Корпоратив котиб ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириши учун зарур бўлган билим даражасига, етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши шарт.

9. Корпоратив котиб ишчанлик обрўсига доир талабларга, шунингдек малака талабларига мувофиқ бўлиши керак.

10. Корпоратив котибнинг ишчанлик обрўсига доир талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

иқтисодий соҳадаги жиноятлар, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ҳамда терроризмни молиялаштириш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;

илгари ўзи ишлаган ташкилотнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига, банкрот бўлишига, лицензияси чақириб олиншига ёки жавобгарликка тортилишига олиб келган ҳаракатлар содир этмаганлиги.

11. Корпоратив котибнинг малакасига доир талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

олий иқтисодий ёки юридик маълумотга эга бўлиши;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими йўналишлари бўйича ёхуд қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари, фонд биржаси ёки Марказий депозитарийда қимматли қоғозлар бўйича мутахассис сифатида охириги 10 (ўн) йил ичида 3 (уч) йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

ўқув марказларида махсус тайёрлов курсларини тамомлаган бўлиши;

корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлиши;

корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари ва принципларини амалиётда қўллаш билиши;

давлат ва инглиз тилларини мукамал билиши, корпоратив ҳужжатларни давлат ва инглиз тилларида тузиш, расмийлаштириш ва юритиш билан боғлиқ тажрибага эга бўлиши.

12. Қуйидаги шахслар Корпоратив котиб бўла олмайди:

Жамиятнинг аффилланган шахслари;

Жамият бошқарув органлари аъзоларининг яқин қариндошлари;

Жамият Бошқаруви раиси ёки унинг яқин қариндошлари;

бошқа ташкилотга мажбуриятлар билан алоқадор шахслар (тўлик, ярим ставкада, масофадан, гибрид усулда меҳнат қилиши, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида хизматлар кўрсатиши, стажировка ўташи), волонтерлик фаолияти бундан мустасно.

IV. КОРПОРАТИВ КОТИБ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ВА ОЗОД ЭТИШ

13. Жамият Бошқаруви Корпоратив котиб лавозимига тайинланадиган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради ва ўз тавсияларини Кузатув кенгашига киритади.

14. Корпоратив котиб Кузатув кенгашининг қарорларига асосан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

15. Корпоратив котибни лавозимига тайинлаш ёки лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарорлар Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

16. Кузатув кенгашининг лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарори асосида Жамият номидан Бошқарув раиси Корпоратив котиб билан шартнома имзолайди.

17. Корпоратив котиб Жамиятнинг штатлар жадвалига киритилиши шарт.

18. Корпоратив котиб бевосита Кузатув кенгашига бўйсунди ва унга ҳисобот беради.

V. КОРПОРАТИВ КОТИБНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

19. Корпоратив котибнинг асосий вазифа ва функциялари куйидагилардан иборат:

Жамиятда самарали корпоратив бошқарув тизимини ташкил қилиш, шу жумладан замонавий корпоратив бошқарув тамойиллари, услублари ва механизмларини жорий этиш;

Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш;

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини мунтазам равишда мониторинг қилиш ва баҳолаш;

Жамиятнинг бошқарув органларини ишончли ахборот билан таъминлаш, уларнинг сўровларига асосан зарур маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

Жамият бошқарув органларининг мажлисларини ташкиллаштириш, мажлисларда муҳокама қилинган масалалар бўйича баённома ва қарорларни расмийлаштириш, шунингдек баённома ва қарорларни жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида Бошқарувни, шунингдек Бошқарув томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида Ягона акциядор вакили ва Кузатув кенгашини мунтазам равишда хабардор қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий равишда ошкор қилинадиган ахборотларнинг ўз вақтида ошкор этилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотларни шакллантириб бориш ва бундай ахборотлар веб-сайтда мунтазам янгилаб борилишини таъминлаш;

Жамиятни бошқариш жараёнларида манфаатлар тўқнашуви юзага келишини бартараф этиш ва бундай ҳолатларни аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келган тақдирда, бундай қарама-қаршиликларни корпоратив бошқарув тамойиллари асосида ҳал қилишда воситачи сифатида иштирок этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи, савдо ташкилотчилари, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари билан Жамият ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Жамиятга киритилган кўрсатмаларни кўриб чиқиш ва аниқланган камичиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамият Устави, Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимига оид ички норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнларида иштирок этиш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши топшириқларига асосан қимматли қоғозларни фонд биржасида листинг ва муомала қилиш қоидалари билан белгиланган талабларни бажариш;

20. Корпоратив котиб қонунчилик ҳужжатлари, Жамият Устави ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига асосан бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

VI. КОРПОРАТИВ КОТИБНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

21. Корпоратив котиб қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида ёки Кузатув кенгашининг топшириғига кўра, Бошқарув ва назорат органларидан ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни сўраш ва олиш;

Жамиятнинг таркибий тузилмасидаги бўлимлардан келишиш учун келиб тушган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, зарур бўлганда, уларни қайта кўриб чиқиш учун қайтариш;

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Жамиятининг бошқарув органларига таклифлар киритиш;

ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда иш ҳақи олиш;

ўз вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун хавфсизлик, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларига ва иш жойига эга бўлиш.

Қонунчилик ҳужжатлари, Жамият Устави ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ Корпоратив котиб бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Корпоратив котиб қуйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек Жамият Устави ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига риоя этиш;

ўз вазифа ва функцияларини виждонан бажариш, одоб-ахлоқ қоидаларига, махфий тусдаги ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек ички меҳнат тартиб-қоидаларига амал қилиш;

Жамият ва унинг бошқарув органлари манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, беғараз ва холис бўлиш;

Жамиятнинг нуфузини туширишга олиб келиши ёки ўз мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиш;

ўз мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслик, шунингдек ўз фаолиятига, Жамият, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик;

Жамиятнинг тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиш, шунингдек ўз вазифа ва функцияларини бажариш чоғида олинган бундай маълумотларни ошкор қилмаслик, шу жумладан Корпоратив котиб лавозимида Жамиятдаги фаолияти тугаганидан кейин 5 (беш) йил давомида ошкор этмаслик;

Жамиятнинг бошқарув органлари аъзоларига корпоратив бошқарув масалаларига оид маслаҳатлар бериш;

ўз фаолиятини амалга оширишда олинган ҳужжатларни жамлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш.

Қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ Корпоратив котиб бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

VII. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

23. Корпоратив котиб Жамиятнинг бошқарув, ижроия ва назорат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлайди.

24. Корпоратив котиб Жамиятнинг бошқарув, ижроия ва назорат органлари ўртасидаги ахборот ва ҳужжатлар алмашинувини таъминлайди.

25. Корпоратив котиб ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича мустақил тарзда Жамиятнинг бошқарув, ижроия ва назорат органлари аъзолари билан ҳамкорлик қилади.

26. Жамиятнинг бошқарув, ижроия ва назорат органлари Корпоратив котибнинг вазифа ва функциялари доирасига кирувчи масалалар бўйича барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди.

VIII. КОРПОРАТИВ КОТИБНИ МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИ

27. Корпоратив котибга ўз вазифаларини бажариб турган давр учун мукофот тўланиши ва (ёки) ўз вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши мумкин.

28. Корпоратив котибнинг иш ҳақи ва меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Кузатув кенгаши қарорига асосан белгиланади.

29. Корпоратив котибнинг иш фаолияти Кузатув кенгаши томонидан баҳоланади ва ҳар чорак якунлари бўйича мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

30. Корпоратив котиб йил якунлари бўйича эришган натижадорлигига мувофиқ Ягона акциядор қарорига асосан мукофотланиши мумкин.

31. Корпоратив котиб ўз вазифа ва функцияларини бажариш билан боғлиқ амалга оширган харажатлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тасдиқланган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

32. Корпоратив котиб томонидан ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ амалга оширилган харажатлар Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланади. Бундай харажатлар учун тўловларнинг миқдорлари Кузатув кенгашининг қарорида белгиланади. Корпоратив котиб харажатлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ва харажатларнинг мақсади ҳақидаги маълумотларни Жамиятга тақдим этиши шарт.

IX. КОРПОРАТИВ КОТИБНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

33. Корпоратив котиб ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида Жамиятга зарар етказилган тақдирда, у қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий жавобгар бўлади.

34. Корпоратив котиб қонунчилик ҳужжатлари, Жамиятнинг Устави ва ички норматив ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилишига олиб келган жиддий камчиликлар учун у эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

35. Мазкур Низом Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланган кундан кучга киради.

36. Қуйидаги ҳолатларда ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

Ягона акциядорнинг талабига кўра;

Кузатув кенгаши аъзоларининг, Бошқарувнинг таклифларига асосан;

ушбу Низомда назарда тутилган муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларидаги талаблар ўзгарган тақдирда;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

37. Ушбу Низомнинг айрим бандлари ўз аҳамиятини йўқотган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, Низомнинг бошқа бандлари ўз кучида қолади.

38. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.